Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

# ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
## к договору (контракту) от 28.01.2022 г. № 11

**между Тоза худуд ДУК и Ширин шахар Тиббиёт бирлашмаси на общую сумму 2996325,00**

Глава 054

Казначейский лицевой счёт 401322860244107073101054002

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4225000 | | | |
| Январь | 998 775,00 | | | 998 775,00 |
| Февраль | 998 775,00 | | | 998 775,00 |
| Март | 998 775,00 | | | 998 775,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **2 996 325,00** | | | **2 996 325,00** |

Всего 2996325,00 сум

Два миллиона девятьсот девяносто шесть тысяч триста двадцать пять сум 00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы ___________ сум или _____% *** от общей суммы договора
подлежат предоплате в _________ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ____________ Рахманов Бахтиёр Холмуратович
(подпись) Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ____________ Кодиркулов Икромжон Юлдошович
(подпись) Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ____________
(подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика ____________
(подпись)

«___» _________________20___г.

**Юридик шахслар учун қаттиқ маиший чиқиндиларни**
**тўплаш ва олиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича**
**ШАРТНОМА № 11**

Ширин ш

2022 “28” _январ_

Сирдарё вилоят “Тоза ҳудуд” ДУК _Ширин _ шаҳар(туман) филиали бундан буён матнда “ИЖРОЧИ” деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида фаолият юритувчи раҳбар Ш.Асамов бир томондан, _Ширин ШТБ _, бундан буён матнда “ИСТЕЪМОЛЧИ” деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида фаолият юритувчи раҳбар _Б.Рахманов_ иккинчи томондан ушбу шартъномани, куйидаги мақсадларда туздилар,

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1Мазкур шартномага биноан Ижрочи билан Истеъмолчи ўртасида қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича ( ҚМЧ (маиший курилиш ва металл), СМЧ) тўғридан тўғри хўжалик алока ўрнатилади.

Истеъмолчи топширида, Ижрочи эса шартномада кўрсатилган ҳақ эвазига Истеъмолчи томонидан махсус белгиланган _Ширин ТБ_манзилда жойлашган (ЧЙМ) чиқинди йиғиш майдончасидан (ҚМЧ,СМЧ) қаттиқ ва суюк маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2 ҚМЧни умумий тўпланиши бир ойга __19,3__ м3, бир йилга __57,9__м3. СМЧни умумий тўпланиши бир ойга __—__тонна, бир йилга __—__тонна ташкил этади.

## 2. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ.

2.1 Ушбу шартнома имзолаш пайтидаги амалдаги нарҳ ҳар бир м3 ҚМЧ учун 45000сўм, *15 % ҚҚС билан 51750 сўм, ҳар бир тонна СМЧ учун* 40000 сўм, 15 % ҚҚС билан 46000 сўмни ташкил этади.

2.2 Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўловнинг умумий қиймати __2336325__ сўм ташкил этади.

2.3. Истеъмолчи ўзининг ишчи кучи ва техникаси билан маиший қаттиқ ва суюк маиший чиқиндиларни Марказий полигонга олиб борилса ҳар бир м3 ҚМЧ учун __45000__ сўм, ҚҚС билан __51750__ сўм, ҳар бир тонна СМЧ учун __40000__ сўм, ҚҚС билан __46000__ сўмни ташкил этади.

2.4. Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида Истеъмолчининг абонентлик пунктларида эълонлар осиш йўли билан, шунингдек оммавий аҳборот воситалари орқали Истеъмолчига маълум килади.

2.5 Истеъмолчилар қаттиқ ва суюк маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўловни, кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ ҳисоб-китобини эса-календарь ой тугагандан кейин 30 кун давомида амалга ошириши шарт.

2.6 Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловни хисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган қаттиқ ва суюк маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлар учун тарифлар бўйича амалга оширилади.

2.7 Юридик манзил, банк реквизитлари, корхона номлари ёки ҚМЧ ва СМЧ хажми ўзгарган такдирда, томонларни 10 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириш керак.

2.8 Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли бўлмаган сифатдаги ёки белгиланган муддатлардан ортиқ узилишлар билан хизматлар кўрсатилганда, ушбу даврда хизматлар учун тўловлар камайтирилади.

2.9 Ижрочи томонидан Истеъмолчининг хаёти, саломатлиги ва мулкига зиён етказилган ҳолатларда етказилган зарар факти қайд этилган далолатнома тузилади, у Ижрочи ва Истеъмолчиларнинг вакиллари томонидан имзоланади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун хар бир кечиктирилган кунлар учун 0,5 фоиз микдорида жарима ёки пеня (неустойка) тўпланишини қонун доирасида талаб қилиш;

Ижрочи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив-ҳуқуқий далолатномаларга ва бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2 Ижрочи қуйидагиларга мажбур:

Белгиланган муддатларда қаттиқ ва суюк маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишни амалга ошириш;

Қонунчиликда, мазкур Қоидаларда ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ Истеъмолчига зарур сифатдаги қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

Қаттиқ ва суюк маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бриш;

Истеъмолчининг мурожаатига асосан, алоҳида кўрсатилган нарх бўйича бузилишдан колган қурилиш чиқиндиларни, грунтни, агротехник ишлардан чиқарилган чиқиндиларни (шох-шаббалар, буталар ва бошқалар), олиб чиқиб кетиш учун қўшимча транспорт воситасини ажратиш;

Чиқинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бузилишини таъминлаш;

Тўпланиб қолган чиқиндиларни ҳисобини олиб бориш;

Истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича камчилиларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш чораларини қўллаш;

Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

3.3 Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш;

Хизматлар кўрсатилаётганда Ижрочи айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини ва шартномада келишилган миқдорда жарима ёки пеня (неустойка) тўпланишини талаб қилиш;

Ижрочидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиш шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш, хизматлар учун электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

Ижрочи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган холларда Ижрочига ёзма ёки телефон орқали (телефон рақами) шикоятлар тақдим этиш ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмагани фактини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек аниқланган камчиликларнинг белгиланган мкддатларда бартараф этилишини талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги №787- хамда 2019 йил 6 февралдаги №95- сонли қарорларга асосан, Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш учун контейнерларнинг зарур микдорда бўлишини таъминлаш.

Ишчи-ходимларнинг ҳаёти, саломатлиги шунингдек атроф-муҳит учун хавфли бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чиқиндиларнинг кўплаб тўпланиб қолишига режали ишларни олиб бориш (контейнерлар ва чиқинди тўплаш шохобчаларини дезинфекциялаш ёки ювиб туриш йўли билан);

Сан Пин Руз. № 0297-11 биноан чиқиндиларни йиғиш шахобчаларини ва қутиларни дезинфекция қилиш;

Шартномага мувофиқ, вактинча ишлаб чиқариш ишлари бўлмаган, хужжатлар билан тасдикланган давр ёки шартномада белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилмаган давр учун қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун ҳақ тўлаш мажбуриятларидан тўлиқ ёки қисман озод қилиниши;

Қаттиқ ва суюк маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари сифатсиз амалга оширилса, агар Ижрочи ўз вақтида шартномани бажаришга киришса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарар ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.4 Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

Хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;

ҚМЧ ташланадиган контейнерларни қурилиш ва йирик хажмдаги чиқиндилар, шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида шартнома тузиш ва ҳақ тўлаш;

Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш курилмаларига автошиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш;

ҚМЧ ва СМЧни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланагн йўналиш жадвали бузилган ҳолларда _911000190_ телефонига телефонаграмма йўллаш орқали Ижрочига маълумот бериш;

Бажарилган ишнинг ҳажмини Ижрочининг хужжатларида Истеъмолчи вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш;

Ҳар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш хажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномасини расмийлаштириш;

Ҳар ойда ойнинг охиригача ўтган ойда бажарилган ишларининг далолатномасига асосан пул маблағларини Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиш ҳамда режавий иш хажмига қараб олдиндан 15 фоиз микдорида тўловларни амалга ошириш;

Қаттиқ ва суюк маиший чиқиндиларни кўчаларга, сув йўлларига, арик ва қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва кўмиб ташлаш учун ажратилмаган жойларга, шунингдек харакатдаги автотранспорт воситасидан йўлаклар ва кўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташламаслик;

Чиқиндиларни корхона худудида ва рухсат этилмаган жойларда кўмиб ташлашга йўл қўймаслик.

## 4.ШАРТНОМАЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1 Истеъмолчи қуйидагиларга жавобгар:

Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун;

ҚМЧ ва СМЧни олиб чиқиб кетиш хизматига ўз вактида тўлов тўламаганлиги учун;

Шартнома шартларига кўра алоҳида белгиланган жойларда йиғилган ҚМЧ ва СМЧни олиб чиқиб кетиш хизматини бузганлиги учун;

4.2 Истеъмолчи шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,5%дан миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%дан ошмаган миқдорида, пеня тўлайди.

4.3 Ижрочи қуйидагиларга жавобгар:

Кўрсатилаётган хизматларнинг муддатлари ва камчиликларни бартараф этиш муддатлари бузилганлиги аниқланган ҳолатларда;

Кўрсатилаётган хизматларнинг муддатлари ва камчиликларни бартарф этиш учун тайинланган жаримани жаримани ўз вақтида тўламаганлиги учун;

Ижрочи томонидан кўрсатилаётган хизматлар ёки сифатсиз хизматлар оқибатида ишчиларнинг ҳаётига, соғлигига ва Истеъмолчининг мулкига етказилган зарур учун;

4.4 Ижрочи томонидан хизмат кўрсатилмаса Истеъмолчига кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,5% дан миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдорида, пеня тўлайди. Пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

## 5.ШАРТНОМА МУДДАТИ

5.1 Шартнома муддати "28" январ 2022_ йилдан "31" декабр 2022 йилгача белгиланади.

5.2 Ушбу шартномага оид бўлган Ўзбекистон Республикасининг тегишли конунларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган тақдирда, томонларнинг розилиги билан шартномага тегишли қўшимча ва ўзгартириш киритиш учун қўшимча шартнома тузиш;

5.3 Шартномани муддатидан олдин тўхтатмокчи бўлган томон иккинчи томонни бу ҳақида бир ой олдин ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилингунга қадар ўз кучни йўқотмаган хисобланади.

5.4 Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1 Томонлар орасида келиб чиққан барча келишмовчилик ва тортишувлар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

Мазкур шартномадан келиб чиқадиган келишмовчиликлар, томонлар томонидан ҳал этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунчиликка биноан Сирдарё вилоят иқтисодиёт суд орқали ҳал этилади.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| | |
|---|---|
| **"ИЖРОЧИ"**<br>**Сирдарё вилояти "Тоза ҳудуд" ДУК**<br>**Ширин шахар филиали**<br>Манзил: **Ширин шахар, Халқлар Дўстлиги кўчаси, Ширин Малбу МЧЖ биноси 1- уй.**<br>Тел: **91 100 01 90**<br>Банк номи: **Ширин Агробанк**<br>Х/Р: **22604000007822590001**<br>МФО: **00383,** ИНН: **304938711**<br>ХХТУТ: **38120**<br>**Рахбарт: Ш.Асадов** | **"ИСТЕЪМОЛЧИ"**<br>**Ширин Шахар ТБ___**<br><br>Манзил: Ибн Сино 1<br>**__Ширин шахри**<br>Тел: **__677 64 58 43**<br>Банк номи: **_Марказий БХХКМ____**<br>Х/Р: 40132286024410707310105400 2__<br>МФО: 00014__ ИНН: **_201169280___**<br>ХХТУТ: **_91511__**<br>**_бош шифокор __Б.Х.Рахманов ___**<br>(ФИШ раҳбар) |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1. Loyihaning turi:** SHartnoma OW54851686

**2. Loyihaning nomi:** Yuridik shaxslar uchun qattiq maishiy chiqindilarni to'plash va olib ketish xizmatlari ko'rsatish bo'yicha SHARTNOMA № 11

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**
Sharthoma loyihasi Shirin shahar tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 28 yanvar kritilgan.

**XULOSA:** Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsul'ti** **U.Toshmuratov**

2022 yil 28 yanvar

10.06.2017

Yagona Oyna Markazi

146856

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TOZA HUDUD" Davlat unitar korxonasi

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TOZA HUDUD" DUK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yhatdan o'tqazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.06.2017 524755 ro'yhat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 304938711

Tashkiliy-huquqiy shakli: Davlat unitar korxonasi

Joylashgan joyi: Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, 2-MAVZE, BIRLASHGAN KO'CHASI, 10-UY

Guvohnoma: Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, YAGONA DARCHA MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

O'zbekiston Respublikasi
Sirdaryo viloyati
hokimining
**QARORI**

Республика Узбекистан
**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
хокима Сырдарьинской
области

2019 yil "27" феврал № 45 Guliston sh.

**Юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган каттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги "Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5580-сонли фармони ва 2017 йил 21 апрелдаги "2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2916-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 февралдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 95-сон қарорларига мувофиқ, вилоятнинг шаҳарлари ва туманларида каттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 6, 14-моддалари ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб, **қарор қиламан:**

1. Вилоят "Тоза-ҳудуд" Давлат унитар корхонаси ва унинг шаҳар-туман филиаллари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўловлар тарифлари, нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда 2019 йил 1 мартдан бошлаб жисмоний шахслар учун ҳар бир оила аъзосидан ойига 2 800 (икки минг саккиз юз) сўм, юридик шахслар 1 $метр^3$ учун 45 000 (қирқ беш минг) сўм (ҚҚС сиз) белгилансин.

2. Вилоят молия бош бошқармаси (А.Рахимов), Давлат активларини бошқариш бошқармаси (М.Кувондиков), туман ва шаҳар ҳокимликларига жойларда вилоят "Тоза-ҳудуд" Давлат унитар корхонаси ва унинг шаҳар-туман филиаллари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати кўрсатилишида белгиланган тўловлар тарифларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш топширилсин.

3. Туман, шаҳар ҳокимликлари вилоят "Тоза-ҳудуд" Давлат унитар корхонаси ва унинг шаҳар-туман филиаллари билан биргаликда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари орқали